

ISSN 2181-7812

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI  
**AXBOROTNOMASI**



**ВЕСТНИК**  
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ

**СПЕЦВЫПУСК ПОСВЯЩЁН**  
90 летию  
профессора, д. м. н.  
**Д.Д. ДЖАЛАЛОВА**



**2023**

TOSHKENT



Выпуск набран и сверстан на компьютерном издательском комплексе редакционно-издательского отдела Ташкентской медицинской академии

Начальник отдела: М. Н. Аслонов

Редактор русского текста: О.А. Козлова

Редактор узбекского текста: М.Г. Файзиева

Редактор английского текста: А.Х. Жураев

Компьютерная корректура: З.Т. Алюшева

Учредитель: Ташкентская медицинская академия

Издание зарегистрировано в Ташкентском Городском управлении печати и информации

Регистрационное свидетельство 02-00128

Журнал внесен в список, утвержденный приказом № 201/3 от 30 декабря 2013 года

реестром ВАК в раздел медицинских наук

Рукописи, оформленные в соответствии с прилагаемыми правилами, просим направлять

по адресу: 100109, Ташкент, ул. Фароби, 2,

Главный учебный корпус ТМА,

4-й этаж, комната 444.

Контактный телефон: 214 90 64

e-mail: rio-tma@mail.ru

rio@tma.uz

Формат 60x84 1/8. Усл. печ. л. 9,75.

Гарнитура «Cambria».

Тираж 150.

Цена договорная.

Отпечатано на ризографе редакционно-издательского отдела ТМА. 100109, Ташкент, ул. Фароби, 2.

Вестник ТМА, 2023

## **РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ**

**Главный редактор**

проф. А.К. Шадманов

**Заместитель главного редактора**

проф. О.Р.Тешаев

**Ответственный секретарь**

проф. Ф.Х.Иноятова

**Ответственный за выпуск**

доцент Б.А. Ешмуратов

доцент И.И. Бахриев

## **ЧЛЕНЫ РЕДАКЦИОННОЙ КОЛЛЕГИИ**

акад. Аляви А.Л.

проф. Билалов Э.Н.

проф. Гадаев А.Г.

акад. Каримов Ш.И.

проф. Комилов Х.П.

акад. Курбанов Р.Д.

проф. Мавлянов И.Р.

акад. Назыров Ф.Г.

проф. Нажмутдинова Д.К.

проф. Саломова Ф.И.

акад. Соатов Т.С.

проф. Ходжибеков М.Х.

проф. Шайхова Г.И.

проф. Жае Вук Чои

## **Члены редакционного совета**

д.п.н. Абдуллаева Р.М. (Ташкент)

проф. Акилов Ф.О. (Ташкент)

проф. Аллаева М.Д. (Ташкент)

проф. Ахмедов Р.М. (Бухара)

проф. Гиясов З.А. (Ташкент)

проф. Ирискулов Б.У. (Ташкент)

проф. Каримов М.Ш. (Ташкент)

проф. Каюмов У.К. (Ташкент)

проф. Израилов Р.И. (Ташкент)

проф. Охунов А.О. (Ташкент)

проф. Парпиева Н.Н. (Ташкент)

проф. Рахимбаева Г.С. (Ташкент)

проф. Ризамухамедова М.З. (Ташкент)

проф. Сабилов У.Ю. (Ташкент)

проф. Сабирова Р.А. (Ташкент)

проф. Халиков П.Х. (Ташкент)

проф. Хамраев А.А. (Ташкент)

проф. Холматова Б.Т. (Ташкент)

проф. Шагазатова Б.Х. (Ташкент)

## ГЕМОЛИЗЛАНГАН ВА ЧИРИШ ЖАРАЁНИ БОШЛАНАЁТГАН МУРДА ҚОН ДОҒЛАРИДА АГГЛЮТИНИНЛАРНИ АНИҚЛАШ

Лочинов Ф.Н., Жуманиёзов Э.Х., Джуманиязов Ж.Ю., Жовбуриев Т.М.

Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент, Ўзбекистон

ЎзР ССВ Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази

**Аннотация.** Ушбу мақолада турли хил буюмларда жойлашган қон доғларида агглютининлар ва агглютиногенларни аниқлашда манфий натижалар нисбатини текшириш мақсадида ўтказилган эксперт хулосаларининг статистик тахлили берилган. Унга кўра, қон доғларида агглютининларнинг топилмаслиги билан боғлиқ тарзда гуруҳ мансублигини аниқланмаслиги ўтказилган экспертизаларнинг 20,0%ни ва агглютиногенларнинг топилмаслиги билан боғлиқ ҳолатлар 1,5%ни ташкил этиши қайд этилган. Шунингдек, агглютининларнинг аниқланмаслиги билан боғлиқ тарзда қон гуруҳи мансублигини аниқлашдаги катта миқдордаги манфий натижаларни келтириб чиқарувчи сабаблардан бирини бартараф этишга ёрдам берувчи гемоллизланган ва чириш жараёни бошланаётган мурда қон доғларининг этил спирти билан фиксациялаш орқали агглютининларни аниқлаш усули тўғрисида маълумотлар берилган.

**Калит сўзлар:** қон, қон гуруҳи, агглютининлар, ашёвий далиллар суд-тиббий экспертизаси.

**Долзарблиги.** Оғир жиноятлар, масалан, одам ўлдириш, номусга тегиш, қасддан тан жароҳати етказиш, йўл-транспорт ҳалокатларида ашёвий далилларда қон излари топиш ҳамда унинг қайси тур ва гуруҳга мансублиги аниқлаш содир этилган жиноятни очишда муҳим аҳамиятга эга.

Қоннинг индивидуализациялаш эритроцитлар, лейкоцитлар, зардоб ва фермент тизимлари бўйича текширишлар орқали аниқланади. Эритроцитлар тизими бўйича қон гуруҳлари ABO, MNSS, P, резус (Rh), Le (Льюис), Lu (Лассерн), K (Келл), Kp, Fu (Даффи), Di (Диего), Ху, I гуруҳ тизимларида аниқланади.

Юқорида кўрсатилганлардан ABO тизими (классик гуруҳи) ўзида нафақат агглютиногенлар, балки агглютининларнинг мавжудлиги аниқланиши билан бошқа гуруҳлардан фарқ қилади ва текширув усулларни қўлайлиги сабабли суд тиббиёти амалиётида кенг қўлланилади.

Янги қон доғларида қон гуруҳини аниқлаш деярли қийинчилик туғдирмайди. Аммо, турли ташқи омиллар таъсир қилган ва хосил бўлганига узок вақт ўтган қон доғларининг текширишда қон гуруҳини аниқлаш имконияти бўлмайди. Бу эса биринчи ўринда агглютининларнинг қон доғларида турли сабаблар (объектни камлиги, доғнинг хосил бўлиш муддати, ифлосланишлар, ташқи омилларнинг таъсири ва ҳ.к.) натижасида ёмон сақланиб қолишлиги билан боғлиқ.

Суюқ қоннинг текширишдаги қийинчиликлар аввало, эритроцитларни ўзгариши билан боғлиқ. Улар бир қатор омиллар таъсирида деформацияланади ёки парчаланиб кетади. Баъзи бир омиллар қонни гемолизига, чиришига, қуюқлашишига ёки суюқланишига сабаб бўлади. Бу ҳолатларда қон зардоби ажралмайди ва гуруҳ мансублигини аниқлаш имкони бўлмайди [1, 2, 3, 4, 5, 6, 8].

20,0% ҳолатларда гуруҳ мансублигини аниқланмаслиги, текширилган объектларда

агглютининларнинг топилмаганлиги билан боғлиқлиги аниқланди. Қон доғларида агглютиногенларнинг топилмаслиги билан боғлиқ тарзда гуруҳ мансублигини аниқланмаслиги ўтказилган экспертизаларни 1,5% ни ташкил этган. Бу эса агглютиногенларнинг ташқи омиллар таъсирига чидамлигидан далолат беради [7, 8].

Агглютининларнинг аниқланмаслиги билан боғлиқ тарзда қон гуруҳи мансублигини аниқлашдаги катта миқдордаги манфий натижалар, ушбу ҳолатни келтириб чиқарувчи сабабларни излашга экспертлар диққатини жалб этади. Шу сабабдан ушбу камчиликларнинг бартараф этувчи усулларни излаб топиш ашёвий далилларнинг суд-тиббий экспертизасида долзарб муаммо ҳисобланади.

Адабиётлардан маълумки, агглютининлари айрим спиртлар таъсирига чидамли бўлади. Этил спирти ва ацетон билан таъсир қилинганда агглютининлар парчаланмайди. Ушбу ҳақиқат, гемоллизланган ва чириш жараёни бошланаётган мурда қон доғларини этил спирти билан фиксациялаш орқали агглютининларни аниқлаш усулини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилди.

**Тадқиқот мақсади.** Турли хил буюмларда жойлашган қон доғларида агглютининлар ва агглютиногенларни аниқлашда манфий натижалар нисбатини текшириш.

**Тадқиқот материали ва усуллари.** Ифлосланган ва турли хил буюмларда жойлашган қон доғларида агглютининлар ва агглютиногенларни аниқлашда манфий натижалар нисбатини текшириш мақсадида Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Тошкент вилоят филиалининг суд-биология бўлимида 2016-2018 йилларда ўтказилган эксперт хулосалари таҳлил қилинди. 3 йил давомида қон доғларида (доғда қон мавжудлиги ва турини аниқлангандан сўнг) гуруҳ мансублигини аниқлаш бўйича 526 та экспертиза ўтказилган. Текширилган буюмлар сони 5149 тани

ташқил этган бўлиб уларда жами 8147 объект аниқланган. Доғда одам қони аниқланган барча объектлар АВО тизими бўйича қон гуруҳи текширилганда 5965 тасида гуруҳ мансублиги аниқланган, бу умумий текширилган объектларни 73,3% ни ташқил қилган. 1633 ҳолатда (20,0%) АВО тизими бўйича қон гуруҳини алоҳида компонентлари аниқланган. Қолган 549 (6,7%) ҳолатда гуруҳ мансублиги аниқланмаган, яъни қон доғларида агглютининлар ва агглютиногенлар умуман топилмаган. Бунда қон излари метал жисмларда ва тупроқда топилган ҳолатларда қон гуруҳи аниқланмаслиги қўпчиликини ташқил этган.

Тадқиқот жараёнида ўлим юз берганлигига турли хил муддат (6 соатдан 6-8 кунгача) ўтган одамлар мурдаларининг қон намуналари текширилди. Мурда қони асосан юрак бўшлиқларидан, юракда қон йўқ ҳолатларда катта қон томирлари бўшлиғидан (2-3 мл қон етарли ҳисобланади) олинди.

Суюқ қон ва қон доғларида гуруҳ мансублигини аниқлаш РСТЭИАМ Тошкент шаҳар филиали суд биология бўлимида ўтказилди. Суюқ қон мурдадан олингандан сўнг дарҳол текширилди. Сўнгра текширувга олинган мурда қонининг қолган қисми центрифугаланди. Агглютининларни аниқлаш учун зардоб тортиб олинди ва агглютиногенларни аниқлаш учун чўкмадан эритроцитларнинг 1% суспензияси тайёрланди. Суюқ қон гуруҳини аниқлаш Шифф усули ёрдамида амалга оширилди. Қон доғларининг гуруҳ омиллари агглютининлар ва агглютиногенларнинг текшириш билан аниқланди. Агглютининлар Ляттес усули билан, агглютиногенлар эса абсорбция усули билан аниқланди. Бунинг учун ҳозирги вақтда фойдаланилаётган (агглютининларнинг абсорбция, абсорбция-элюция ва аралаш агглютинация) усулларида энг қўп қўлланиладигани микдорий модификацияда агглютининларни абсорбция қилиш усулини танладик.

Текширувга олинган мурда қонидан тоза индифферент объект ташувчида (дока) экспериментал доғлар тайёрланди. Бунинг учун дока тоза Петри идишига ёйилиб, устига юпқа қатламда текширилаётган қон суртилди. Ҳар бир доғ 2-3 соатдан сўнг нам (тўлиқ қуримаган) ҳолатда икки қисмга бўлинди. Биринчи ярми зудлик билан этил спирти (96 фонзели) билан ишлов берилди, яъни сувсизлантирилди, иккинчи ярми ишлов бермасдан назорат учун қолдирилди. Иккала доғ ҳам хона ҳароратида сақланди. Вақти-вақти билан (доғлар тайёрланганига 3-4 кун, 1-2 ҳафта ва бир ой ўтгач) этил спирти билан ишлов берилган ва ишлов берилмаган доғлар текширилди. Жами 60 та мурда қони текширилди.

**Тадқиқот натижалари ва муҳокамаси.** Текширилган 60 та мурдалар суюқ қонининг 27 та намуналарида аниқ ифодаланган агглютиногенлар ва уларга мос равишда агглютининлар аниқланди. 9 та ҳолатда А агглютиноген аниқланди, аммо унга тегишли бета агглютинин аниқланмади. 7 та ҳолатда В агглютиноген аниқланди, лекин унга тегишли

альфа агглютинин аниқланмади. 2 ҳолатда заиф ифодаланган агглютинин альфа ва 1 ҳолатда агглютининлар бета аниқланди, аммо бу 3 ҳолатда тегишли А ва В агглютиногенлар аниқланмаган.

Биобарин, 19 та ҳолатда мурдадан олинган суюқ қонда АВО тизими бўйича қон гуруҳининг алоҳида компонентлари (таркибий қисмлари) аниқланди. Ушбу ҳолатларда текширилаётган қон айнан қайси гуруҳга мослиги тўғрисида аниқ хулоса қилиб бўлмайди, фақат доғда у ёки бу қон гуруҳи мавжудлигини тахмин қилиш имкониятини беради. Якуний натижа эса текширувга олинган суюқ қондан тайёрланган қон доғлари намуналарининг текширигандан сўнг аниқланиши мумкин.

60 та мурдадан олинган суюқ қоннинг дастлабки текширувида 8 та намуналарда А ва В агглютиногенлар топилди, яъни уларнинг тўртинчи қон гуруҳига тегишлилиги аниқланди. Ушбу намуналардан тайёрланган этил спирти билан ишлов берилган ва ишлов берилмаган доғларда агглютининлар аниқланмади. 6 та намуналарда эса агглютининлар ҳам, агглютиногенлар ҳам топилмади. Уларни ўлим юз берганлигига турли хил муддат ўтганлиги сабабли гемолизланган ва чиришнинг дастлабки босқичидаги қон намуналари ташқил этди.

Этил спирти билан ишлов берилган 52 та мурда қондан тайёрланган доғларнинг 48 тасида агглютининлар аниқланди, фақат 4 та ҳолатда агглютининлар аниқланмади. Этил спирти билан ишлов берилмаган 52 та мурда қондан тайёрланган доғларнинг 18 тасида агглютининлар аниқланди, фақат 33 та ҳолатда агглютининлар аниқланмади. Юқоридагилардан келиб чиққанда, этил спирти билан ишлов берилган қон доғларида 4 ҳолатда агглютининлар аниқланмаган бўлса, этил спирти билан ишлов берилмаган қон доғларида 33 ҳолатда агглютининлар аниқланмаган.

Ўз навбатида, этил спирти билан ишлов бериш ва ишлов бермасдан тайёрланган 52 та мурда қони намуналари текширилганда барча объектларда агглютиногенлар аниқланди. Аммо, ўзларига мос бўлган агглютининларни бириктириш даражаси этил спирти билан фиксацияланмаган доғларга нисбатан этил спирти билан фиксацияланган доғларда юқори бўлди. Бу ўз навбатида агглютиногенлар физик ва кимёвий омиллар таъсирига, агглютининлар эса этил спирти таъсирига чидамлигидан далolat беради.

Мурда қони хона ҳароратида қуритганда агглютининларнинг аниқланиш даражаси пасаяди. Эҳтимол, бу қоннинг бактериал флора билан ифлосланиши ёки қонда мавжуд бўлган флоранинг қўпайиши билан боғлиқ. Этил спирти билан олдиндан ишлов бериш доғда бактериал флора шаклланишига тўсқинлик қилади ёки мавжуд флорани зарарсизлантиради. Этил спирти қон доғида агглютиногенларини фиксациялайди ҳамда нам қон доғлари намуналарини сувсизлантиради. Агглютиногенлар этил спирти таъсирида парчаланмайди ва шу сабабдан доғда улар яхши сақланади. Этил

спирти билан фиксацияланган қон доғида аглютиногенлар яхши аниқланади ва ўзларига мос бўлган аглютининларни бириктириш даражаси этил спирти билан фиксацияланмаган доғларга нисбатан юқори бўлади.

**Хулоса:** Қон доғларига этил спирти билан олдиндан ишлов бериш доғларда гуруҳ мансублигини аниқлаш диагностикасининг ишончлигини оширади. Бу эса қон доғлари намуналарини, айниқса гемолизланган ва чириш жараёни бошланган мурда қон доғларининг тайёрлашда олдиндан этил спирти билан ишлов беришни суд-тиббий экспертларга тавсия қилиш учун асос бўлади.

#### Адабиётлар.

1. Барсегянц Л.О. Современное состояние судебно-медицинского исследования вещественных доказательств и пути развития //Судебно-медицинская экспертиза. 2004.-№5, - С. 25-27.
2. Гуртовая С.В. Судебно-медицинское исследование вещественных доказательств //Руководство по судебной медицине под редакцией В.В.Томилина, Г.А.Пашиняна. - М.: Медицина, 2001.
3. Гуртовая С.В. К вопросу о возможном влиянии различных моющих средств на определение видовой и групповой принадлежности крови. //Сбор-

ник работ врачей судебно-медицинских экспертов биологов. РЦСМЭ МЗ РФ М., 2007. -С. 16-19.

4. Григорьев И.П., Коржевский Д.Э. Современные технологии фиксации биологического материала, применяемые при проведении иммуногистохимических исследований //СТМ. 2018.- Том 10.- №2. -С. 156-165.

5. Гусаров А.А. Современное состояние экспертизы вещественных доказательств биологического происхождения в государственных судебно-экспертных учреждениях Российской Федерации и пути её совершенствования. Автореф. дис....докт. мед. наук. -М., 2012. -С 34-36.

6. Лочинов Ф.Н., Джалалов Д.Д., Бахриев И.И. Определение группы крови в пятнах путем предварительной фиксации их спиртом //Инфекция, иммунитет и фармакология, - 2000, №1-2, - С. 26-27.

7. Лочинов Ф.Н., Усмонов О.З. и др. Анализ экспертных материалов с отрицательными результатами установления группы крови в пятнах по данным Ташкентского областного филиала РНПЦСМЭ //Проблемы биологии и медицины. - 2020, - №5.1 (123), - С. 49-51.

8. Lochinov F.N., Baxriev I.I. Biologik tabiatga ega bo'lgan ashyoviy dalillarning sud-tibbiy ekspertizasi. Monografiya. - Toshkent, 2022.



<b>Choriyev B.A., Primov Kh.N., Bakhriev I.I., Saydakhmedov M.K., Mirzamukhamedov O.Kh., Sobirova D.R. MORPHOLOGICAL ASPECTS OF ASEPTIC NECROSIS OF THE FEMORAL CAPITIS AFTER COVID-9 .....</b>	<b>143</b>
<b>Чориев Б.А., Турсунов Х.З., Бахриев И.И., Махмудова У.М., Примов Х.Н. КАМ УЧРАЙДИГАН КЎКС ОРАЛИҒИ ТЕРАТОМАСИ.....</b>	<b>147</b>
<b>Шопўлатов И.Б., Индиаминов С.И. КАЛТА НАЙСИМОН СУЯКЛАР СИНИШИ МУДДАТИНИ АНИҚЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЖИХАТЛАРИ.....</b>	<b>151</b>
<b>Цюпко Е.В., Краснова А.П., Юсупова А.А., Алябьев Ф.В. СОПОСТАВИМОСТЬ РЕАЛЬНЫХ И ЦИФРОВЫХ МЕТРИЧЕСКИХ ХАРАКТЕРИСТИК ЛИЦА.....</b>	<b>154</b>
<b>Якубов М.З., Имомов С.Т. ТРАНСФОРМАЦИЯ ЭПИТЕЛИЯ ИСКУССТВЕННО СОЗДАННОГО ВЛАГАЛИЩА ОБРАЗОВАННОГО ИЗ ТОЛСТОЙ КИШКИ.....</b>	<b>156</b>
<b>Якубов Х.Х., Ядгарова Ш.Ш., Номонов М.А. ПОСЛЕДСТВИЯ ЛЕГКОЙ ЧЕРЕПНО-МОЗГОВОЙ ТРАВМЫ И ИХ СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКАЯ ОЦЕНКА.....</b>	<b>161</b>
<b>СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКАЯ ЭКСПЕРТИЗА ВЕЩЕСТВЕННЫХ ДОКАЗАТЕЛЬСТВ (АШЁВИЙ ДАЛИЛЛАР СУД-ТИББИЙ ЭКСПЕРТИЗАСИ)</b>	
<b>Хасанова М.А., Ешмуратов Б.А., Бабаев Х.Н., Нуров А.Р. СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКОГО ИССЛЕДОВАНИЯ ВЕЩЕСТВЕННЫХ ДОКАЗАТЕЛЬСТВ И ПУТИ РАЗВИТИЯ.....</b>	<b>164</b>
<b>Абдуллаев Б.С., Исламов Ш.Э. СРАВНИТЕЛЬНАЯ ОЦЕНКА РЕЗУЛЬТАТОВ ИССЛЕДОВАНИЯ ЭКСПЕРТНЫХ МАТЕРИАЛОВ РЕАКЦИЕЙ АБСОРБЦИИ-ЭЛЮЦИИ И МЕТОДОМ АФФИННОЙ ХРОМАТОГРАФИИ.....</b>	<b>167</b>
<b>Абдуллаев Б.С., Исламов Ш.Э. ОБНАРУЖЕНИЕ АГГЛЮТИНОГЕНОВ АВО В ПЯТНАХ КРОВИ, СМЕШАННЫХ С НЕКОТОРЫМИ ВЫДЕЛЕНИЯМИ.....</b>	<b>170</b>
<b>Азизова Р.А., Дадамухамедова Х.Э., Ибрагимов З.З., Буранова М.Б. СПЕКТРАЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ПЛАЗМЫ КРОВИ БОЛЬНЫХ С ХРОНИЧЕСКИМ МИЕЛОЛЕЙКОЗОМ.....</b>	<b>173</b>
<b>Ахмедов Т.Ж., Ешмуратов Б.А., Бахриев И.И. АФФИН ХРОМАТОГРАФИЯ УСУЛИДА А АНТИГЕНИННГ ГУРУҶЧАЛАРИНИ АНИҚЛАШ.....</b>	<b>176</b>
<b>Жуманиёзов Э.Х., Лочинов Ф.Н., Насиров Т.К., Ахмедова Ф.Э., Кенжаева Ф.А. МУРДАЛАР СЎЛАК БЕЗЛАРИДА АГГЛЮТИНИНЛАРИННГ СУД ТИББИЁТИГА ОИД ТЕКШИРИЛИШИ.....</b>	<b>179</b>
<b>Лочинов Ф.Н., Жуманиёзов Э.Х., Джуманиязов Ж.Ю., Жовбуриев Т.М. ГЕМОЛИЗЛАНГАН ВА ЧИРИШ ЖАРАЁНИ БОШЛАНАЁТГАН МУРДА ҚОН ДОҒЛАРИДА АГГЛЮТИНИНЛАРИНИ АНИҚЛАШ.....</b>	<b>182</b>
<b>Лочинов Ф.Н., Ганиева Н.Х., Халдаров Д.Б., Икрамов А.У. ИССЛЕДОВАНИЕ АГГЛЮТИНИНОВ В ПЯТНАХ КРОВИ, ПОДВЕРГШИХСЯ СУХОВОЗДУШНОЙ ОБРАБОТКЕ.....</b>	<b>185</b>
<b>Мардонов Т.М., Кулиев Ш.Э., Бойманов Ф.Х. О ЗНАЧЕНИИ ИССЛЕДОВАНИЯ ПЯТЕН КРОВИ НА ВЕЩЕСТВЕННОМ ДОКАЗАТЕЛЬСТВЕ.....</b>	<b>187</b>
<b>Отамурадов А.З., Хасанова М.А. ТЎШ СУЯГИНИНГ ЁШГА БОҒЛИҚ ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ СУД-ТИББИЙ АҲАМИЯТИ.....</b>	<b>192</b>
<b>Отамурадов А.З., Хасанова М.А. ТЎШ СУЯГИНИНГ ЁШГА БОҒЛИҚ ХУСУСИЯЛАРИНИ РЕНТГЕНОЛОГИК ВА АНАТОМОРОЛОГИК ТАҲЛИЛИ.....</b>	<b>195</b>
<b>Рўзиева З.М., Расулов М.Б., Турсунова Г.У., Хушвақова З.О., Қодиров Ф.Т. ҚИН АЖРАЛМАЛАРИ АНТИГЕНЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ.....</b>	<b>197</b>